



SOCIO-ECONOMIC PROCESSES IN THE TRADE SECTOR: A HISTORICAL APPROACH

Gavkhar Esanovna Muminova

Leading Researcher, Institute of History, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

Gulmira Dilmurodovna Turdiboeva

Listener of the Academy of the Ministry of Internal Affairs

g.muminova@mail.ru

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: trade sector, socio-economic processes, historical approach, market relations, archival sources, statistical data, independence period, economic reforms.

Abstract: This article examines socio-economic processes in the trade sector from a historical perspective. It explores the formation and development stages of trade relations and their role in the economic life of society. Based on archival documents, statistical data, and periodical sources, the study analyzes transformations in the trade system and their social implications. Particular attention is paid to the reinterpretation of these processes during the independence period using new methodological approaches.

Received: 04.04.26

Accepted: 05.04.26

Published: 06.04.26

САВДО СОҲАСИДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАР: ТАРИХИЙ ЁНДАШУВ

Гавхар Эсановна Мўминова

ЎЗ ФА Тарих институти етакчи илмий ходими

Турдибоева Гулмира Дилмуродовна

ИИБ Академияси тингловчиси

g.muminova@mail.ru

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: савдо соҳаси, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, тарихий ёндашув, бозор муносабатлари, архив манбалари, статистик маълумотлар, мустақиллик даври, иқтисодий ислохотлар.

Аннотация: Мазкур мақолада савдо соҳасидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар тарихий ёндашув асосида таҳлил қилинади. Хусусан, савдо муносабатларининг шаклланиши, ривожланиш босқичлари ва уларнинг

жамият иқтисодий ҳаётидаги ўрни очиб берилади. Тадқиқотда архив ҳужжатлари, статистик маълумотлар ва даврий матбуот материаллари асосида савдо тизимидаги ўзгаришлар ҳамда уларнинг ижтимоий оқибатлари ўрганилади. Шунингдек, мустақиллик даврида мазкур жараёнларга нисбатан янги методологик ёндашувлар асосида ҳолис баҳолар берилган.

СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ В СФЕРЕ ТОРГОВЛИ: ИСТОРИЧЕСКИЙ ПОДХОД

Гавхар Эсановна Муминова

Ведущий научный сотрудник Института истории Академии наук Республики Узбекистан

Турдибоева Гулмира Дилмуродовна

слушатель Академии МВД

g.muminova@mail.ru

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: сфера торговли, социально-экономические процессы, исторический подход, отношения, архивные источники, статистические данные, период независимости, экономические реформы.

Аннотация: В статье анализируются социально-экономические процессы в сфере торговли с позиций исторического подхода. Рассматриваются этапы формирования и развития торговых отношений, их роль в экономической жизни общества. На основе архивных документов, статистических данных и материалов периодической печати исследуются изменения в торговой системе и их социальные последствия. Особое внимание уделяется переосмыслению данных процессов в период независимости с использованием новых методологических подходов.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатда барча соҳалар қатори савдо тизимида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди. Янги иқтисодий муносабатлар шаклланиши, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жараёни савдо соҳасидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни илмий жиҳатдан қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Бу эса мазкур соҳанинг тарихий ривожланишини мустақиллик даври методологик ёндашувлари асосида тадқиқ этиш заруратини юзага келтирди.

Мустақиллик йилларида миллий тарихни холис ва илмий асосда ўрганишга алоҳида эътибор қаратилиб, аввалги даврда мавжуд бўлган идеологик чекловлар бартараф этилди. Натижада савдо соҳасидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини қайта баҳолаш, уларни манбалар асосида холис таҳлил қилиш имконияти кенгайди. Айниқса, архив хужжатлари, статистик маълумотлар ва даврий матбуот материалларининг кенг жорий этилиши ушбу соҳадаги илмий тадқиқотларни янги bosқичга олиб чиқди.

Шу нуқтаи назардан, савдо соҳасидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тарихий ёндашув асосида ўрганиш нафақат иқтисодий тараққиёт тенденцияларини аниқлаш, балки жамиятдаги ижтимоий ўзгаришлар, аҳоли турмуш даражаси ва бозор муносабатларининг шаклланиш хусусиятларини ёритишда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур масала, айниқса, совет даврида шаклланган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида юз берган ўзгаришларни таҳлил қилишда долзарб ҳисобланади.

Асосий қисм. Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган турли министрликлар, концернлар, бирлашмалар ва бошқа ташкилотларнинг фондларидан мазкур ташкилотларнинг савдо билан боғлиқ фаолиятига оид хужжатлар ўрганилади ва тадқиқот натижасида қўлга киритилган хулосалар илмий муомиллага олиб кирилади. Бу эса тарих фанини кемтик жиҳати, яъни, савдо тарихини бугунги кун нуқтаий назардан, янги ёндашувларга таяниб, шакллантириш ва баён этиш имконини яратади. Хусусан, савдо бўйича олиб борилган давлат сиёсати ва уни ҳуқуқий базасини шакллантириш, соҳанинг ҳолати, муаммолари, савдо жараёнини ташкил этилиши, савдо мол турлари ва уларни ишлаб чиқариш динамикасини шакллантиришга доир маълумотлар тўпланади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уларни экспорт қилиш бўйича ўзига хос катта тажриба шаклланган. Бу соҳага оид маълумотларни Ўз МАнинг М-8-фондида сақланаётган “Пахта хомашёсини қайта ишлаш ва пахта маҳсулотларини сотиш бўйича “Ўзгостхлопкопромсбыт” Ўзбекистон давлат-акциядорлик ассоциацияси, М-9-фонддаги Ўзбекистон Республикаси давлат концернининг қишлоқ хўжалиги қурилиши бўйича корхона ва ташкилотларининг ташқи иқтисодий фаолият ассоциацияси, М-16-фонддаги Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Ўзпаррандасаноат” паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ассоциацияси, М-25-фонддаги “Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг” холдинг компанияси, М-82-фонддаги “Ўзгўштсутсаноат” давлат акциядорлик уюшмаси, М-83-фонддаги Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Ўзгўштсутсаноат” Республика ишлаб чиқариш бирлашмаси, М-52-фонддаги

“Ўзбекипаги” Республика ассоциацияси ҳужжатлари ёрдамида тўплаш мумкин. Мазкур ҳужжатлардаги маълумотлар ёрдамида Ўзбекистон савдосининг қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ жиҳатлари таҳлилга тортилиб, хусусан, пахта етиштириш ва улардан маҳсулот тайёрлаш ва сотиш, ички ва ташқи савдода харидоргир ҳисобланган паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти, мева-сазовот маҳсулотлари, гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ва сотилиши билан боғлиқ жараёнлар аниқлаштирилади. Шу боис, ушбу фондларда сақланаётган ҳужжатлар Ўзбекистон савдосининг мустақиллик даври таҳлилида муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Миллий архивининг М-142-фондининг (Ўз Р ВМ ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси) 1-рўйхат, 89-йиғма жилдида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш, экспорт ва импортга муаммолари хусусида маълумотлар келтирилади[1]. Йиғма жилд ҳужжатларида таъкидланишича 2008 йили мамлакат ялпи ички маҳсулоти ўтган йилга қараганда 9 фоизга ўсган. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми эса 12.7 фоизга кўпайган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш 4.5 фоизга ошганлиги кўрсатилган. Чакана савдо эса 17.2 фоизни ташкил этган[2].

Ёки ушбу фонднинг 74-йиғма жилдида дон ва дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари вилоятлар кесимида келтирилган. Масалан, жиғма жилдда таъкидланишича 2008 йили Наманган вилоятида 30 580 тонна, Қашқадарё вилоятида — 80 000 тонна дон етиштирилиб, сотувга чиқарилган. Шу билан бирга шу йили хориждан 53,5 минг тонна дон импорт қилинган[3].

М-142-фонднинг 1-рўйхат 100-йиғма жилдида эса 2010–2011-йилларда ун ва дон маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, олиб келиш, сотиш ва бошқалар ҳақидаги Давлат дон инспекцияси йиғилиш баёнлари келтирилади[4]. Ушбу фонднинг 101 жиғма жилдида эса корхона ва ташкилотлар томонидан дон ишлаб чиқариш, дон ҳажми, сифати, миқдорий ҳажми, фермерлардан дон сотиб олиш ҳақида маълумотлар келтирилади[5].

Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) — мамлакатлараро савдо қоидаларини бошқариб турувчи ягона халқаро ташкилот ҳисобланади. Аввало қайд этиш лозимки, ЖСТ (WTO, ингл. World Trade Organization)нинг асосий мақсадларидан бири ўзини ўзи ҳимоя қилишни кучайтириш ва протекционизм қўлланишини бекор қилишдан иборат. Мазкур ташкилот халқаро тижорат учун қулай ҳуқуқий тизимни тақдим эта оладиган чексиз имконият эшиги. Ўзаро қабул қилинган муҳим ҳужжатлар давлатларнинг ўз савдо сиёсатларини келишилган мезонларда олиб боришларида масъулият юклайди. Бундан кўзланган мақсад — жаҳон

бозорида муваффақиятли фаолият юритишда товарлар ва хизматларни ишлаб чиқувчилар, экспортёр ва импортёрларга кўмак беришдир.

Ҳар бир давлатнинг бу ташкилотга аъзо бўлиш жараёни ўртача 8 — 10, баъзи давлатлар учун эса 10 — 15 йилни ташкил этади. Ўзбекистон 1995 йилда ариза топширган бўлишига қарамасдан, фақат 2017 йилдан бошлаб, ижобий силжиш кузатиляпти. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, дунёнинг энг катта иқтисодий эгалари — АҚШ, Ғарбий Европа давлатлари, -Хитой, Япония каби мамлакатлар ЖСТдан унумли фойдалана олади. Кичик давлатлар, жумладан, Ўзбекистон ҳам бу имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмаслиги уларнинг умумий ресурсларига бориб тақалади. Мамлакатимизнинг ЖСТга аъзолиги ЕОИИнинг тартиб-қоидалари ва монополиясига тушиб қолмасликнинг олдини олади. ЖСТга 1995 йил январда асос солинган. 1994 йил 15 апрелдаги Марокаш декларациясида «унинг натижалари жаҳон иқтисодийтини мустаҳкамлайди ва бутун дунёда савдони, инвестицияларни кенгайтириб, ишчи кучи бандлиги, даромадларнинг ўсишига олиб келади. 1994 йилдаги маҳсулотлар савдоси ҳақидаги битим, хизматлар савдоси ҳақидаги бош битим, интеллектуал мулк ҳақидаги битим Жаҳон савдо ташкилотининг таркибий қисмларига киради. Мазкур ҳужжатлар аъзо мамлакатларнинг парламентлари томонидан тасдиқланган. 1995 йилдан фаолиятини бошлаган бу ташкилотга айна вақтда аъзо бўлган 164 давлат учун янги бозорлар очик ҳисобланади. Ўндан зиёд турли йўналишдаги битимлар унинг норматив-ҳуқуқий базасини ташкил этапти. Мазкур ҳужжатлар талабини бажариш ташкилотнинг барча аъзолари учун мажбурий саналади. Аъзо бўлишни истаган давлатлар ўз миллий қонунчилигини уларга мувофиқлаштириши керак[6].

Ўзбекистон ушбу ташкилотга аъзо бўлиш ҳаракатида. Агар аъзо бўлса, жаҳон давлатлари билан тўсиқларсиз ўзаро маҳсулот айирбошлашга эришилади ва товар айирбошланиши юксак технологияларнинг қўлланилиши ҳамда ривожига ҳисса қўшади. Қолаверса, халқнинг турмуш даражасини яхшилашга туртки беради, аҳолига сифатли маҳсулот истеъмол қилиш имконини яратади ҳамда экспорт қилинаётган маҳсулотлар ҳисобига миллий маҳсулотлар таннархи туширилишига хизмат қилади. Айниқса, миллий ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб, бюджетга пул тушумларини кўпайтиради, савдо либераллашуви мамлакат ва тадбиркорлар даромадларини оширади.

Бу таҳлиллардан хулоса шуки, Ўзбекистон зиммасига ҳам ЖСТ томонидан сиёсат ва иқтисодда очикликни таъминлаш, экспорт-импорт ва бошқа иқтисодий тизимларда режалаштиришдан воз кечиш, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини импорт қилиш бўйича давлат монополиясини бекор қилиш юкланади[7].

Демак, Ўзбекистонда ЖСТга аъзо бўлиши ўз ўрнида ташкилот томонидан чиқарилган турли норматив ҳужжатларини чуқур ўрганишини тақоза этади. Айнан мана шу ҳужжатлар савдо тарихи манбашунослигининг муайян гуруҳини ташкил этади. ЖСТнинг расмий ҳужжатларига онлайн кириш мумкин. У 1995 йилдан бери учта расмий тилда 100 000 дан ортиқ ҳужжатларни ўз ичига олади ва ҳар куни янгиланади. ЖСТнинг барча ҳужжатлари PDF ва Word форматларида мавжуд. Илова архивда сақланган ҳар бир ҳужжат учун тавсифий каталог ёзувларини тақдим этади. Ҳужжатларга онлайн кириб, танланган ҳужжатларни веб-сайтдан юклаб олиш мумкин[8].

Хусусан, Жаҳон Савдо ташкилотининг “Товарлар савдоси бўйича ЖСТ келишуви”, “Савдодаги техник тўсиқлар тўғрисидаги битим”, “Божхона баҳолаш тўғрисидаги битим (ГАТТ 1994 нинг ВИИ моддасини амалга ошириш)”, “Келиб чиқиши бўйича шартнома, Импорт лицензиялаш тартиб-қоидалари тўғрисидаги шартнома”, “Юк ташишдан олдин текшириш бўйича шартнома”, “Ҳимоя чоралари бўйича келишув”, “Санитария ва фитосанитария чораларини қўллаш тўғрисидаги шартнома”, “Субсидиялар ва компенсация чоралари тўғрисидаги битим”, “Антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисидаги битим (ГАТТ 1994 нинг ВИ моддасини амалга ошириш)”, “Савдо билан боғлиқ инвестиция чоралари тўғрисидаги битим (ТРИМС)”, “Тўқимачилик ва кийим-кечак бўйича шартнома, Қишлоқ хўжалиги бўйича шартнома”[9] ва ҳ.к. ҳужжатлардан савдо тарихини ёзишда манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Агар Ўзбекистон ЖСТ аъзо бўлса қандай муаммолар юзага келиши мумкинлиги бўйича саволга мана шу ҳужжатларни ўрганиш натижасида жавоб бериш мумкин.

Биринчидан, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзолиги божхона солиқларини 8 — 10 фоизгача қисқартиришга олиб келади. Божхона тарифларининг кескин қисқариши Ўзбекистон бозорларида маҳсулотларнинг арзонлашувига хизмат қилади;

иккинчидан, иқтисодиётни либераллаштириш, саноатни хусусийлаштириш, бозор эркинлигига давлат аралашувини чеклаш борасида муаммолар мавжуд;

учинчидан, республика ичкарасида замон талабига мос бозорбоп маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, хусусан, пахта ишлаб чиқаришга ихтисослашган ўзбек фермерлари арзон ва сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи Хитой, Ҳиндистон, БАА савдо ширкатларига рақобат қила олмаслиги хавфи туғилади. Оқибатда қишлоқ хўжалиги даромадсиз соҳага айланиб қолиши, бу эса 49,5 фоизи қишлоқларда яшайдиган аҳоли учун янги инфратузилмани яратиш заруратини келтириб чиқаради.

2018 йил 24 декабрда Ўз Р Вазирлар Маҳкамасининг «Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича Идоралараро комиссия таркибини тасдиқлаш тўғрисида»ги 1040-сонли қарорига[10] мувофиқ Ўзбекистонда бу бўйича тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги мутасадди бўлган махсус комиссия сезиларли ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар амалга оширмоқда.

Ўзбекистон ЖСТ аъзо бўлиши билан боғлиқ тарихий жараёнлар таҳлили ўз ўрнида иқтисодий омиллар, аҳоли ижтимоий турмуш шароити ва бошқа шунга ўзхшаш жиҳатларни ўрганишни ҳам талаб этади. Хусусан, Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистонда 4 миллионгача бўлган фуқароларнинг ишламаслиги, қишлоқ жойларида ишсизларни кўшган ҳолда, уларнинг сони тахминан 6 миллионга етиши, 2010 — 2019 йилларда ЯИМнинг аҳоли жон бошига динамикаси бир текис ривожланмагани, 2017 йилда бу кўрсаткич 1491 АҚШ долларини ташкил этгани, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши натижасида Хитой тажрибасида бўлгани сингари ишсизлар сонининг кўпайиб кетишига ва субсидиялар асосида молиялаштирилган машинасозлик, деҳқончилик тармоқлари аҳолининг ёмонлашишига олиб келиши мумкинлиги билан боғлиқ ҳолатлар манбалар ёрдамида ўрганилади. Демак, ушбу масалаларга доир манбалар ҳам жамланиши ва таҳлилга тортилиши талаб этилади.

Хулоса. Мавжуд манбалар таҳлили шундан далолат берадики, мамлакат йирик тармоқларининг бу иқтисодий жараёнга тайёр эмаслиги, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ички бозор нархлари ташқи бозор нархларидан юқори эканлиги билан характерланади.

1991 йил Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиш бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар қаторида «Ўзбекистон Республикасининг Халқаро валюта фонди, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро ривожланиш уюшмаси, Халқаро молия корпорацияси, Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама Агентликка аъзолиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши мамлакатимизни ХВФга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кириши учун ҳуқуқий асос бўлди. 1992 йил 27 апрелда Ўзбекистон ХВФ аъзолигига қабул қилинди ва Тошкент ш. да унинг ваколатхонаси очилди.

1998 йил 18 мартда ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро валюта фонди билан ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» қарори қабул қилинди ва республиканинг 2002 йилда Ўзбекистон Ҳукумати ва ХВФ ўртасида Меморандум имзоланди. 2003 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Марказий банки томонидан «Жорий халқаро операциялар бўйича миллий валютани эркин

айирбошлаш бўйича ҳаракат режаси» ишлаб чиқилди ва у ХВФга тақдим этилди. 2003 йилнинг 15 октябрда Ўзбекистон Республикаси ХВФ Битимининг 8 моддасига имзо чекди ва миллий валюта — сўмни жорий халқаро операциялар бўйича чет эл валюталарига эркин айирбошлашни таъминлаш бўйича мажбуриятни қабул қилди. Ушбу маълумотларга доир ҳужжатлар ҳам мавзу манбашунослигида муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон Банки (World Bank)нинг “Баҳолаш ҳисоботи (DAR BCP) (XVF/Жаҳон банки)”, “IOSCO ROSC (Хулоса) (XVF)”, “Батафсил баҳолаш ҳисоботи (DAR IOSCO) (IMF)”, “Батафсил баҳолаш шарҳи (DAO IAIS) (Жаҳон банки)”, “AML/CFT техник эслатмаси (IMF)”, “Макропруденциал таҳлил ва сиёсат модули (IMF) бўйича техник эслатма”, “Корпоратив бошқарув ва давлат банклари модули бўйича техник эслатма (Жаҳон банки)”, “Молиявий кўшилиш модули бўйича техник эслатма (Жаҳон банки)”, “Молиявий бозор инфратузилмаси ва марказий контрагент модули бўйича техник эслатма (Жаҳон банки)” каби ҳужжатлари ҳам мавзу манбашунослигини тўлдиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўз МА, М-142-жамғарма, 1-рўйхат, 89-йиғма жилд, 18-варак.
2. Ўз МА, М-142-жамғарма, 1-рўйхат, 89-йиғма жилд, 46-варак.
3. Ўз МА,, М-142-жамғарма, 1-рўйхат, 74-йиғма жилд, 19-варак.
4. Ўз МА,, М-142-жамғарма, 1-рўйхат, 100-йиғма жилд, 53-варак.
5. Ўз МА,, М-142-жамғарма, 1-рўйхат, 101-йиғма жилд, 86-варак.
6. <https://xs.uz/uzkr/37899>
7. “ВТО, Торговля будущего” ВТО Секретариат, 1995; “Торговля в будущее. Всемирная Торговая Организация”. Секретариат ВТО, 1999; Дж. Мироганнис. : "ГАТТ. Уругвайский Раунд: Роль ЕС и Греции в переговорах ". Sideris Publications, Афины, 1994 год; Дж. Мироганнис. "5 лет после Punta del Este. Новые переговоры в Уругвае ". "Сотрудничество Севера-Юга ", Афины, июль.1992 года.
8. <https://wto.ru/about-WTO/official-documents-WTO/>
9. “Торговля в будущее. Всемирная Торговая Организация”. Секретариат ВТО, 1999.
10. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.05.2019 й., 09/19/397/3123-сон.